



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМӯЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**
**МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ**

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМӯЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ
ПАНҶАКЕНТ**

**Маводи он-лайн конференцияи байналмилалӣ дар
мавзӯи**
**«МАСОИЛИ МУБРАМИ ФАНҲОИ ИҼТИМОЙ,
ГУМАНИТАРӢ ВА ДаҼИҚ ДАР ШАРОИТИ
ЧАҲОНИШАВӢ ВА ФАРОГИРИИ COVID-19»**
25 декабря соли 2020

Панҷакент – 2020

**Рахмонов Камол Жамолович,
Бухоро давлат университети, Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари
номзоди(интерфаол методлар асосида)**

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИННИГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ

Жаҳонда бўлажак тарих ўқитувчиларининг инновацион фаолияти касбий компетентлиги ва методик тайёргарлигини такомиллаштириш, ўзини ўзи касбий ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини янада кучайтиради. Бу борада тарих ўқитувчиларининг назарий тайёргарлиги, амалий тайёргарлиги, комплекс тайёрлаш, таълим амалиёти вариативлиги, инновацион мұхитда техника воситаларидан фойдаланиш, комплекс ривожланиши, мультимедиа тасвирли маълумотларни қўллаш, дарс жараёнида интерфаол усувлардан фойдаланиш глобаллашув шароитида тарих фани ўқитувчисининг компонентлигини ошириш мухим омилларидан бири хиболланади. Шунингдек, тарих ўқитувчиларининг педагогик маҳорати, педагогик фаолияти, ўқитиши технологияси ва методикаси, ҳамкорликда ўқитиш, тарих таълимининг тараққий этиши босқичлари, касбий методик тайёргарликни шакллантириш тамойиллари, тарихий адабиётлар, услубий адабиётлардан қандай фойдаланиш зарурлигини кўрсатиш мазкур мақоланинг долзарблигини ифодалайди.

Мазкур мақоламизда юқорида қайд этилган барча педагогик омилларни таҳлил қилишнинг имконияти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, тарих дарслари давомида ўқитувчининг айрим интерфаол усувлардан қандай фойдаланиши кераклигини очиб берамиз.

Масалан, тарих фани ўқитувчисига “1918-1939 йилларда Франция” мавзусидаги дарсни мустаҳкамлаш қисмида қўйидаги интерфаол усувлардан фойдаланишга тавсия берилади.

“Концептуал жадвал” дастури орқали “1918-1939 йилларда Франция” мавзусидаги муаммоли воқеликларнинг сабаб ва омиллари, унинг ечими, тегишли якуний хulosалар асосида амалга оширилади. “Венн технологияси” асосидаги қиёслаш услуби орқали “Германия” ва “Франция” давлатларига хос бўлган умумий белгилар таҳлил этилиши, “Т-чизма” усули билан Пуанкаре ҳукумати олиб борган сиёсатнинг ижобий ёки салбий томонлари изоҳланиши, “Кластер” усулига “Рур муаммоси” тушунчасини кенгроқ муюҳаза қилиниши, шунингдек, ўйинли педагогик технологиялар ҳисобланган “5 дақиқа”, “Почта”, “Кичик гурухларда ишлаш”, “Ақлий ҳужум”, “Карорлар шажараси”, “Мўъжизалар майдони”, “Заковат” кабиларни дарс жараёнида самарали қўлласа ўқувчилар фаоллиги янада ошади.

Интерфаол усувлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар:


Талабалар 4 гурухга ажратилади. Ҳар бир гурухга алоҳида топшириклар берилади

1-гурух учун топшириқ: “Концептуал жадвал” орқали муаммоли воқеликларнинг сабаб ва омиллари, унинг ечимини изоҳланиши керак. Тегишли якуний хulosалар эса ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Муаммонинг мазмуни	Сабаб ва омиллари	Муаммонинг ечими	Хulosasi


1. Қандай омилларга асосланиб, Франция 1920 йилларнинг бошларида Европада гегемонлик даъвосини амалга ошириш йўлини тутди?			
--	--	--	--

2-гурух учун топшириқ: Талабаларга “Кластер” дастури орқали ўрганилаётган мавзудаги “Рур муаммоси” таянч тушунчаси бўйича янги маълумотларни қайд қилиш вазифаси берилади. Ўқитувчи томонидан мазкур тушунчанинг моҳияти холосаланади.



3-гурух учун топшириқ: талабалар “Т - чизма” орқали ўрганилаётган мавзуга тегишли тарихий шахслардан бири Р. Пуанкаре фаолиятига оид жиҳатларни таҳлил этадилар. Ўқитувчи ушбу шахс фаолиятидаги муҳим хусусиятлар бўйича умумий тавсияларни беради.

Раймон Пуанкаре қандай давлат арбоби бўлган?



1)* Германия иқтисодиёти 2)* Франция иқтисодиёти 3)* АҚШ иқтисодиёти

гурӯҳ учун топшириқ: талабалар “Венн диаграммаси” орқали Германия, Франция, АҚШ иқтисодиётига хос умумий белгиларни қиёсий таҳлил қиласидар. Кўйилган масаланинг ўзаро боғлиқлигини хулосалаш ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихни баҳс, мунозара асосида ўрганиш орқали комил инсонни тарбиялаш қуролига айлантириш, тарихий хотирани шакллантириш асосида қатъиятли, мустаҳкам иродали, эътиқодида событқадам турадиган шахсларни тарбиялаш, одамларимиз онгига маънавий илдизларимиз бўлган сарчашмаларни сингдириш кабиларни давр тақозо қиласидар. Бу ўринда тарихимизнинг турли босқичларида ўтган, ҳалқ орасидан етишиб чиққан давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар, ҳалқ қаҳрамонлари, фан ва маданият дарфаларига объектив ва холисона баҳо бериш, уларнинг ҳаёт йўли ибрати билан тарбиялаш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ҳеч қандай бўшлиқ бўлмаслигига эришиш, хуллас, “Куч билим ва тафаккурда” деган қоидага амал қилиш тамойилини шакллантириш тарих фани ўқитувчиси олдига долзарб вазифаларни қўяди.

Глобаллашув шароитида тарих фани ўқитувчиси инновацион фаолияти, касбий компетентлиги ва методик тайёргарлигини такомиллаштириши зарур, шунинг учун ўзини ўзи касбий ривожлантириши йўлида қўйидаги муҳим талабларга эътибор бериши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Тарихни ўтмишда ва ҳозирда кечаётган шунчаки далил ва рақамлар ҳамда воқеликлар жараёнигина деб қараш эмас, балки маънавий мерос, ҳаёт ва яшаш, истиқбол пойдевори сифатида идрок этиш салоҳиятига эга бўлиш.

2. Жаҳон тарихи воқеликларини теран кузатиб бориш, Марказий Осиё тарихи умумжаҳон тарихининг ажралмас бир қисми эканлиги, шунингдек, ўзига хос тараққиёт хусусиятларига эгалигини ҳам назардан қочирмаслик.

3. Ўз билим ва кўнікмаларини доимо такомиллаштириб бориш, ҳар бир ўтиладиган мавзуни бугунги глобаллашув шароити билан боғлаб ўқувчи ва талабалар онгига сингдириш услубини қўллаш.

4. Ўқитувчи илм-фан ва технология соҳасида юз берадиган интенсив ўзгаришларни илғай олиши, оммавий-ахборот воситалари, интернет маълумотларини, инновацияларни ўтиладиган ҳар бир дарс жараёнига олиб кириши, таълимни самарали бўлиши учун замонавий турли интерфаол усувлардан фойдаланиши керак.

5. Ўқувчи ва талабаларни жаҳонда ва Марказий Осиё минтақасида кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнлардан мутассил хабардор қилиб туриш учун тарих фани ўқитувчиси доимий ўзини-ӯзи такомиллаштиришга эътибор қаратиши зарур.

**Рашидова Диляфрӯз Абдуқайюмовна,
н.и.ф., мудири кафедраи забони англисии факултети забонҳои шарқи МДТ “ДДХ
ба номи академик Б.Ғафуров” (Тоҷикистон, Хуҷанд)**

МАОРИФ ВА МАСЪАЛАИ РУШДИ ОН ДАР ПАЁМҲОИ ПЕШВОИ МИЛЛАТ

Ҳофизаи таърихи башарият шоху амир, ҳокиму сарвар ва умуман зимомдорони бешумореро дар ёд дорад, ки бо туфайли анҷом додани аъмоли муҳталиф ва ба субут расонидани корҳои гуногун номи худро ҷовидона гардонидаанд. Агар иддае чун Анӯшервони Одил, Исмоили Сомонӣ бо додгустариву адолатпешагӣ, ғамхориву хизмат ба мардум ва тараҳҳуму муњумй иштиҳор пайдо намуда бошанд, баръакс, тоифае амсоли Ҳаҷҷоч ибни Юсуф, Чингизхону Темур бо зулму ситам ва катлу хунхорӣ вирди забонҳо гардида, номашон дар китоби таъриҳи маастур шудааст.

«МАСОИЛИ МУБРАМИ ФАНҲОИ ИҼТИМОЙ, ГУМАНИТАРӢ ВА ДАҚИҚ ДАР ШАРОИТИ ҶАҲОНИШАВӢ ВА ФАРОГИРИИ COVID-19», 25 ДЕКАБРИ СОЛИ 2020. ДОТИ.

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ ОН-ЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ НА ТЕМУ «АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОБЩЕСТВЕННО-ГУМАНИТАРНЫХ И ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И ПАНДЕМИИ COVID-19»,
25 ДЕКАБРЯ 2020 ГОДА. ТПИП.**

	Технический колледж города Худжанда	МОЛОДЕЖИ	
123	Отамуродов Ж.З. Таджикский Государственный Университет Права, Бизнеса И Политики Кафедра мировой экономики магистратуры Отамродов Джамхур - студент 2 курса 1- 25.01.03 - «Мировая экономика»	ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ КАК ОСНОВНАЯ ЗАДАЧА XXI ВЕКА	429
124	Раззоқов Шодмонқул , Сайдов Асомиддин Курбонович	МЕРОСИ НИЁГОН ВА РАСМУ ОИНҲОИ ХАЛҚИ ТОҶИК ТО БА ИМРӯз	432
125	Раҳмонов Камол Жамолович, Бухоро давлат университети, Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди	ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ	438
126	Рашидова Дилафрӯз Абдуқайюмовна, н.и.ф., мудири кафедраи забони англисии факултети забонҳои шарқи МДТ “ДДХ ба номи академик Б.Ғафуров” (Тоҷикистон, Хуҷанд)	МАОРИФ ВА МАСЪАЛАИ РУШДИ ОН ДАР ПАЁМҲОИ ПЕШВОИ МИЛЛАТ	440
127	Savronov Elchinbek Erkinovich Student of History and cultural heritage faculty, Bukhara State University, Uzbekistan elchinbecksavranov@gmail.com	THE DEVELOPMENT OF SUFISM DOCTRINE IN CENTRAL	443
128	Сайдуллаев Умеджон Ўқтамович – канд. экон. наук, доцент, заведующий кафедрой многоканальных телекоммуникационных систем ГОУ «ХГУ имени академика Б. Гафурова» (Республика Таджикистан, г. Худжанд) Тел. 93-506-00-61, E-mail: saidullaev_umed@mail.ru , Сайдуллаев Умедҷон Ўқтамович – номзади илмҳои иқтисодӣ, дотсент мудири кафедраи системаҳои бисёршабакавии телекоммуникационии ДДХ ба номи академик Б. Ғафуров (Ҷумҳурии Тоҷикистон, ш. Хуҷанд), Тел. 93-506-00-61, E-mail:	РАЗВИТИЕ ИНТЕРАКТИВНОГО ТЕЛЕВИДЕНИЯ РУШДИ ТЕЛЕВИЗИОНИ ИНТЕРАКТИВ	446